



141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «27» август

№ 697-ч

**2016 манзилли дастур асосида қурилиши
режалаштирилган кичик футбол
майдончаси қуриш учун ер участкаси
ажратиш ва қурилишга рухсат бериш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 21 июндаги «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан келишилган №1-10/2466-сонли келишув хати ва йиғилиш баёни, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экологик экспертиза хулосасини, Нуробод шаҳри Амир Темур маҳалласида яшовчи фуқаро Одил Ҳалиев Алишер томонидан Нуробод шаҳри Амир Темур маҳалласи ҳудудидан кичик футбол майдончасини қуриш учун 0,32 гектар ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 22 августдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод шаҳри Амир Темур маҳалласида яшовчи фуқаро Одил Ҳалиев Алишерга Нуробод шаҳри Амир Темур маҳалласи ҳудудидан кичик футбол майдончаси қуриш учун 0,32 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 22 августдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Одилов Алишерга қуйидаги вазифалар юклатилсин:
-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ
(архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини
тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат
инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини
бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик
ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун
туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Одилов Алишер томонидан
тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга
оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК
нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман
архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат
кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Одилов Алишер томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш
лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини
йўқотди деб ҳисобланади.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи
принбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов